

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР  
ВАЗИРЛИГИ ХУЗУРИДАГИ ОЛИЙ АТТЕСТАЦИЯ КОМИССИЯСИ

РАИС ҚАРОРИ

Тошкент ш.

№ 1581

2025 йил 27 декабрь

Илмий даражалар берувчи илмий кенгашни рўйхатдан ўтказиш хақида

Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар аттестациясига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, жумладан “Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш тўғрисидаги низом”га асосан ЎзР Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги билан келишилган ҳолда Тошкент Кимё халқаро университети томонидан тақдим этган мурожаат (03.12.2025 й., №06/3123) ва ОАК иқтисодий ва рақамли иқтисодий интеграцион тадқиқотлар бўйича эксперт кенгаши (23.12.2025 й., №14) тавсиясига мувофиқ ОАК Раёсатининг 2025 йил 27 декабрдаги 379/2-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида

1. ОАК Раёсатининг 2025 йил 27 декабрдаги 379/2-сон қарорига асосан қуйидагилар маълумот учун қабул қилинсин:

Тошкент Кимё халқаро университети (муассаса) хузуридаги иқтисодиёт фанлари бўйича илмий даражалар берувчи DSc.03/30.10.2024.I.133.01 рақамли илмий кенгаш фаолияти 2025 йилнинг 31 декабридан тугатилгани ва мазкур илмий кенгаш DSc.03/2025.27.12.I.29.02 рақами билан қайта рўйхатдан ўтказилгани;

DSc.03/30.10.2024.I.133.01 рақамли илмий кенгаш фаолияти тугатилганига кўра мазкур илмий кенгашда кўриб чиқилган ишларни эътиборга олинган ҳолда ворислик асосида иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори (DSc) илмий даражаларини берувчи DSc.03/2025.27.12.I.29.02 рақамли илмий кенгаш фаолияти муассасада олий таълимдан кейинги таълим институтлари ташкил этилишига кўра ОАК Раёсати қарори асосида давом эттирилиши белгилансин.

2. DSc.03/2025.27.12.I.29.02 рақамли илмий кенгашнинг 21 нафар аъзосидан иборат таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. DSc.03/2025.27.12.I.29.02 рақамли илмий кенгашга қуйидаги ихтисосликлар бўйича диссертациялар ҳимоясини ўтказишга руҳсат берилсин:

08.00.01-Иқтисодиёт назарияси;

08.00.05-Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти;

08.00.07-Молия, пул муомаласи ва кредит;

08.00.08-Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит.

4. DSc.03/2025.27.12.I.29.02 рақамли илмий кенгаш асосида фан тармоғига мувофиқ ҳолда педагогика фанлари бўйича диссертациялар ҳимоясини ўтказиш учун бир марталик илмий кенгаш тузишга руҳсат берилсин.

5. DSc.03/2025.27.12.I.29.02 рақамли илмий кенгаш ўз фаолиятини олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар аттестациясига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқ ташкил қилсин.

6. DSc.03/2025.27.12.I.29.02 рақамли илмий кенгаш ва муассаса мазкур илмий кенгаш таркибини бундан буён янгилаб боришда аъзоларининг Хирш (h-индекси) индекси, Q1 ва Q2 даражасидаги журналларда мақолалари чоп этилиши, гендер тенглиги ва хорижий олимларни жалб этиш масалаларини эътиборга олсин ҳамда ИК таркиби янгиланишига кўра ҳар бир ўзгаришни 2 иш кунини ичида “Илмий даражалар комплекс-таҳлилий ахборот тизими”нинг “илмий кенгаш таркиби” бўлимига киритилишини таъминласин.

7. Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар аттестациясига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, жумладан “Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш тўғрисидаги низом”га асосан муассаса раҳбарияти DSc.03/2025.27.12.I.29.02 рақамли илмий кенгаш фаолиятини самарали ташкил қилишга шарт-шароитлар яратсин ва унинг фаолиятини назорат қилсин.

Раис

А.Т. Юсунов

